

**Корхоналар ва ташкилотлар
фаолиятининг умумий
таърифи**
(фермер ва деҳқон хўжаликларисиз)

Корхоналар ва ташкилотлар ягона давлат регистри маълумотларига кўра, 2017 йилнинг 1 октябр ҳолатига рўйхатга олинган юридик шахслар сони 9643 тани ташкил қилиб, шундан 9339 таси ёки 96,8 фоизи фаолият кўрсатмоқда.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича рўйхатга олинган корхона ва ташкилотларнинг асосий қисми савдо 1971 та (20,4 фоизи), саноат 1516 (15,7 фоизи), қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги 1034 та (10,7 фоизи) ва қурилиш 877 та (9,1 фоизи) соҳаларига тўғри келади.

2017 йилнинг 1 октябр ҳолатига рўйхатга олинган ҳамда фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар иқтисодий фаолият турлари бўйича қуйидагича тақсимланади:

	Рўйхатга олинганлар		Фаолият кўрсатаётганлар	
	бирлик	яқунга нисбатан фоизда	бирлик	яқунга нисбатан фоизда
Жами	9643	100,0	9339	100,0
шу жумладан:				
қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	1034	10,7	1004	10,8
саноат	1516	15,7	1455	15,6
қурилиш	877	9,1	852	9,1
савдо	1971	20,4	1909	20,4
ташиш ва сақлаш	373	3,9	368	3,9
яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	703	7,3	678	7,3
ахборот ва алоқа	107	1,1	103	1,1
соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	198	2,1	195	2,1
бошқа турдаги хизматлар кўрсатиш	2864	29,7	2775	29,7

Рўйхатга олинган корхоналар умумий сонининг 80,8 фоизи тижорат мулки шаклидаги корхоналар, шундан 35,9 фоизи хусусий корхоналар, 5,1 фоизи оилавий корхоналар, 37,1 фоизи масъулияти чекланган жамиятлар, 0,6 фоизи чет эл сармояси иштирокидаги корхоналар, 0,2 фоизи акционерлик жамиятлари, 1,9 фоизи бошқа корхоналар улушига тўғри келди.

Рўйхатга олинган корхоналарни 1849 таси нотижорат мулки шаклидаги корхоналар бўлиб, шундан жамоат ташкилотлари (бирлашма, фонд, уюшма) 5,7 фоизни, фуқароларни ўзини-ўзи бошқариш органлари 3,1 фоизни ва муасссалар 9,3 фоизни, бошқа нотижорат ташкилотлари 1,1 ташкил этди.

Рўйхатга олинган хўжалик юритувчи субъектлар-юридик шахсларнинг ташкилий-ҳуқуқий шакл (деҳқон ва фермер хўжаликларисиз)лари бўйича қуйидагича тақсимланади

2017 йил 1 октябрь ҳолатига, умумий сонига
нисбатан фоиз ҳисобида



2017 йил январь-сентябрда жами 1031 та янги корхона ва ташкилотлар рўйхатга олинган (шундан кичик бизнес субъектлари – 979 та). Уларнинг асосий қисми Хатирчи (вилоят бўйича рўйхатга олинган жами корхона ва ташкилотларнинг 9,8 фоизи), Навбаҳор (12,4 фоиз), Қизилтепа (11,0 фоиз), Навоий шаҳар (30,5 фоиз) Кармана (17,8 фоиз), ва Нурота (8,4 фоиз) туманларига тўғри келди.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича янги рўйхатга олинган корхона ва ташкилотларнинг 23,4 фоизи қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги, 19,6 фоизи саноат ва 17,2 фоизи савдо, 12,0 фоизи яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар соҳаларига тўғри келади. Шунингдек, ҳисобот даврида 480 та корхона ва ташкилотлар фаолияти тугатилган.

